

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНДЖАЕВА ГУЛРУХ ФАТТИЛЛОЕВНА

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИ
ТАРЖИМАЛАРИДА МИЛЛИЙ МАНЗАРАНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ
ИФОДАСИ (АСЛИЯТ ВА М.САФАРОВ, К.ЭРМАКОВА, М.РИИЗ
ТАРЖИМАЛАРИ АСОСИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

Кенджаева Гулрух Фаттиллоевна

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи таржималарида миллий манзаранинг лингвомаданий ифодаси (аслият ва М.Сафаров, К.Эрмакова, М.Рииз таржималари асосида)..... 3

Кенджаева Гулрух Фаттиллоевна

Лингвокультурологическая передача фоновой информации в переводах романа “Минувшие дни” Абдулла Кадыри (на материале оригинала и переводов М.Сафарова, К.Эрмаковой, М.Рииз)..... 23

Kendjaeva Gulrukh Fattilloevna

Linguoculturological Rendering of Background Information in the Translations of Novel “Days Gone by” by Abdulla Kadiri (based on the original and translations by M.Safarov, K.Ermakova, M.Reese) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНДЖАЕВА ГУЛРУХ ФАТТИЛЛОЕВНА

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИ
ТАРЖИМАЛАРИДА МИЛЛИЙ МАНЗАРАНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ
ИФОДАСИ (АСЛИЯТ ВА М.САФАРОВ, К.ЭРМАКОВА, М.РИИЗ
ТАРЖИМАЛАРИ АСОСИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.1.PhD/Fil2256 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хажиева Феруза Мелсовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Киселёв Дмитрий Анатольевич
филология фанлари доктори, доцент

Юсупова Ҳилола Ўктамовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «28» январь соат 09⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (271 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2023 йил «07» январь кuni тарқатилди.
(2023 йил «07» январ даги 23-07 - рақамли реестр баённомаси).



Д.С.Ўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори, доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослиги ва таржимашунослигида бадиий асар таржималарининг қиёсий тадқиқи, таржимада миллий, маданий ва тарихий ўзига хосликлар ифодаси, таржиманинг адекватлигини илмий баҳолаш ва таҳлил қилиш, тарихий-миллий манзарани таржимада қайта яратиш, шунингдек, ушбу муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш бугунги кун адабиётшунослиги олдида турган долзарб масалалардан саналади. Айни вақтда миллий колоритни қайта яратиш муаммосини ўзида акс эттирган тарихий асарларни таржима қилиш, таржимада маданиятлараро фарқларни комплекс ўрганиш, муайян ижодкор асарларини таржимашунослик ва бадиият қонуниятлари асосида тадқиқ қилиш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Дунё таржимашунослигида Ғарб оламида Шарқ анъаналари ва менталитетининг бадиий ифодаси ҳамда таржиманинг лингвистик-услубий хусусиятлари, миллий манзара, фразеологик бирикмалар, мақоллар, реалиялар, эскирган сўзлар тадқиқига бағишланган бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, миллий манзаранинг лингвомаданий ифодаси, асарнинг лингвомаданий аспекти, унинг таржимада берилиши, бадиий-фалсафий мазмунни ифода этишдаги вазифалари, Шарқ менталитети ва Ғарб дунёқарашидаги муштарак ҳамда тафовутли жиҳатлар ифодаси сингари масалаларга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизнинг миллий тараққиёт босқичида умумжаҳон ҳамжамиятига интеграллашуви ўзбек таржимашунослигида ҳам муҳим ислохотларни тақозо этиб, миллий адабиёт намуналарини хорижий тилларга ўгириш ва уларнинг сифатини оширишга бўлган эътиборни янада кучайтирди. "... Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш чора-тадбирлари дастури"¹ тилшунослик, адабиётшунослик ва таржимашунослик кесимида илмий изланишлар сифати ва кўламини кўтариш каби устувор стратегик вазифани белгилаб берди. Шу маънода лингвокультурологик аниқликни тадқиқ қилиш, миллий манзарани тўғри ифодалаш, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" тарихий романи таржималарида ўзбек менталитетига хос миллий ва тарихий хусусиятларнинг кўчирилишининг ишончлилик даражасини ўрганиш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон "Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши.//Халқ сўзи, 2017 йил 13 январь. -№9 (6703).

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таржиманинг назарий жиҳатларини ўрганиш замонавий адабиётшуносликнинг энг муҳим вазифаларидан биридир, чунки айнан таржимашунослик жаҳон адабиётида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади. Таржимашунослик соҳасида таржиманинг маданий-тарихий жиҳатлари, матнни етказиб бериш усул ва имкониятлари, уларнинг ўзига хослиги, шунингдек, таржима жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ёритиб берувчи бир қатор фундаментал тадқиқотлар мавжуд. Таржима назарияси ривожи ва унинг тилшунослик ҳамда адабиётшуносликнинг мустақил қисми сифатида шаклланишини ўрганишда В.Виноградов, С.Влахов, С.Флорин² каби рус олимларининг хизматлари бекиёс. Уларнинг таржима усулларини тизимлаштириш, миллий манзарани ифодалаш йўллари таснифлаш борасидаги тадқиқотлари ўз навбатида ушбу соҳада кўплаб тадқиқотлар олиб борилишига замин яратди.

Чет эл таржимашунослигида таржиманинг ҳам назарий ҳам амалий муаммоларига бағишланган бир қатор йирик тадқиқотлар олиб борилган. Ж.С.Карфорд, Д.Робинсон, М.Шахин, М.Массимилиано³ ларнинг илмий ишларида замонавий таржима муаммолари, инглиз тилининг ўрни ва аҳамияти ёритилган, шунингдек, бошқа хорижий тиллардаги таржима муаммоларининг ривожланиши ва долзарблиги кўрсатилган.

² Виноградов В.С. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы). – Москва: Издательство института общего среднего образования РАО, 2001. – 224 с.; Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – Москва, 1980. – 340 с.; Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – Москва: Высшая школа, 1990. – 253 с.

³ Catford J.C. A linguistic Theory of Translation. – Oxford: Oxford University Press, 1965. – 110 p. Robinson D. Becoming a Translator. An Introduction to the Theory and Practice of Translation. – New York: Routledge. 2003. – 318 p.; Shaheen M. Theories of Translation and their Applications to the Teaching of English/ Arabic-Arabic/ English Translation. – Glasgow: University of Glasgow, 1991. – 337 p.; Morini M. The Pragmatic Translator. An Integral Theory of Translation. London: Bloomsbury, 2013. – 209 p.

Ўзбек адабиётшунослигида Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, М.Бақоева, Ш.Сирожиддинов, Ғ.Одилова⁴ ларнинг фундаментал асарлари назарий-услубий аҳамиятга эга. Замоनावий таржима муаммолари билан М.Саъдий, А.Отабоев, М.Али, С.Мели, О.Мухтор, Н.Қамбаров, А.Ирисқулов, Б.Эрматов, З.Исомиддинов⁵ каби замоनावий олим ва таржимонлар шуғулланиб, ўзбек адабиётидаги таржимашуносликнинг мавжуд муаммолари ва бугунги кун ўзбек таржима ишининг истиқболлари, нафақат хорижий асарлар, балки ўзбек адабиёти асарларини жаҳон тилларига таржима қилишнинг етарли даражада аҳамияти ҳақида танқидий фикрлар билдиришган.

Ғ.Саломов, Р.Файзуллаева, И.Мирзаев, М.Жавбуриев, Ш.Исакова, Н.Ўрмонова, Ҳ.Юсупова, Р.Касимова, О.Файзуллаев⁶ каби олимлар биографик роман, шеърят ва фольклорда миллий колоритни қайта яратиш борасида изланишлар олиб боришган. Ф.Хажиева, Ш.Раҳимова, С.Ҳамдамова, З.Бозоров, Қ.Искандарова⁷ ларнинг илмий ишларида А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романинг инглиз тилига таржималарида услубий воситаларни таржима қилиш муаммолари ўрганилган. Олдинги ишлардан фарқли ўлароқ, тадқиқотимизда А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” мумтоз романининг рус ва инглиз тилидаги вариантларини қиёсий ўрганиб, миллий манзара таржимасининг комплекс таҳлилини тақдим этдик.

⁴ Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 236 б.; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан. 2005. – 352 б.; Сирожиддинов Ш., Одилова Ғ. Бадиий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – 164 б.; Бақоева М.Қ. Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. – Тошкент: Фан, 2015. – 288 б.

⁵ “Таржима миллатни жаҳонга танитади” Саъдий М., Отабоев А. давра суҳбатини тайерлаган. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. – (№13) 2007. – 4 б.

⁶ Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси. – Тошкент: ЎзРФА нашриёти, 1961. – 159 б.; Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе. Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 225 с.; Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ленинград, 1975. – 22 с.; Жавбуриев М. Бадиий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш (О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” тарихий романининг немисча таржимаси мисолида). Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1991. – 202 б.; Исакова Ш. Бадиий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс этирилиши (Ойбекнинг “Навойӣ” романининг французча таржимаси мисолида). Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 132 б.; Ўрмонова Н. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги (ўзбек адабиётидан француз тилиги қилинган таржималар таҳлили асосида). Филол.фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.; Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида). Филол.фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 26 б.; Касимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржималарида этнографизмларининг берилиши. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – 152 б.

⁷ Khajieva F.M. Decoding of Stylistic Devices in Russian and English Translations of the Uzbek Novel “Days Gone By” by Abdulla Qadiri (Stylistic Correspondences and Transformations). // Theoretical & Applied Science. 72. 541-545 p. 10.15863/TAS.2019.04.72.72.; Хажиева Ф.М., Раҳимова Ш.П. Linguoculturological study of phraseological units in Russian and English translations of the novel «Days Gone By» by the Uzbek writer Abdulla Qadiri. // УзМУ хабарлари. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий журнали, 2020, – №6 – Б. 173-177.; Khamdamova S.B. Interpretation of Antonomasia in the Translations of Abdulla Kadiri's Novel “Days Gone By”. // Сўз санъати халқаро журнали 3 (3), 2020. – 62-65.; Бозоров З.М. Бадиий таржимада лексик стилистик бўёқдорликни сақлаш муаммолари (А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг инглизча таржималари мисолида) Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Самарқанд, 2020. – 149 б.; Kholmurodova O.I. Phraseological Units and their Cultural Features in the English Translations of A.Kadiri's “Bygone Days” and “Scorpion from the Altar”. // Central Asian Journal of Arts and Design. 2, 12 (Dec. 2021) 62-65 p.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетида олиб борилаётган: “Адабиётшунослик, тилшунослик ва таржима иши” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек насри таржимасининг характерли хусусиятларини “Ўткан кунлар” романи ва унинг рус, инглиз тилларидаги таржималари мисолида аниқлаш ҳамда миллий манзарани ифодалашда таржима усул ва воситаларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда таржимонлик фаолияти ва таржима назарияси ривожини тадқиқ қилиш, бадиий асарни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишдаги ўзига хосликларни ўрганиш;

“миллий манзара” атамасининг адабий моҳияти ва унинг ифодаланиш усуллари, хусусан, фразеологик бирликлар, реалиялар, паремиялар, тарихий сўзлар, архаизмларни, шунингдек, “Ўткан кунлар” тарихий романи таржимасида миллий манзарани етказиб бериш шартлилигини аниқлаш;

миллий манзарани акс эттирувчи сўз ва ибораларни таржима қилишнинг самарали усуллари (аналог ёки эквивалент танлаш усули, перифраза, калькалаш, гипо-гиперонимик таржима, транскрипция) очиб бериш;

романдаги фразеологик бирликларнинг қўлланилишини ва уларнинг рус, инглиз тилларига таржима қилиш усуллари ўрганиш;

таржима жараёнида реалиялар ва эскирган сўзларнинг аслиятдан бошқа тилларга ўгириш хусусиятларини аниқлаш;

миллий манзарани рус ва инглиз тилларига таржима қилишда тарихий-маданий аслиятни сақлаб қолиш даражасини қиёсий жиҳатдан кўрсатиб бериш;

“Ўткан кунлар” романининг рус ва инглиз тиллари таржималаридаги ўзгаришларни аниқлаш, шунингдек, таржима жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ноаниқликларни далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи, романнинг М.Сафаровнинг рус тилидаги “Минувшие дни”, К.Эрмакованинг “Days Gone by” ва М.Приизнинг инглиз тилидаги “Bygone Days” таржималари танланган.

Тадқиқотнинг предметини миллий манзарани акс эттирувчи сўз ва иборалар ифодаси ва уларни рус, инглиз тилларига таржима қилиш усуллари ва тамойиллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда лингвомаданий, трансформацион, қиёсий-чоғиштира, контекстуал-ситуатив, контекстуал-дистрибутив, тавсифий ва стилистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий манзарани ифодаловчи фразеологик бирликлар, паремиялар, реалиялар, тарихий сўзлар, архаизмлар сингари воситаларини таржима қилишда транскрипция, калькалаш, перифраза, аналог, эквивалент,

компенсация, экспликация, генерализация, гипо-гиперонимик каби таржима усулларининг функционалиги аниқланган;

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги фразеологик бирликлар ва паремияларни компенсация, экспликация, аналог ёки эквивалент танлаш усуллари қўлланиши орқали таржима қилинаётган бирликлар семантикасининг тўлиқ очиб берилишида мажозий маъно ҳамда маданий-тарихий манзарани сақлаб қолганлиги далилланган;

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги миллий-маданий манзарани ифодалашда миллатга хос бўлган махсус лексик бирликлар, реалиялар таржимасида экспликация, генерализация, гипоним ва гипероним усулларининг бирламчи қиймат касб этиши асосланган;

историзм ва архаизмлар билан ифодаланган реалиялар орқали олам манзарасининг ифодаланишида матнга хос бўлган интертекстуаллик, контекстуал вазият, шакл ва мазмун мутаносиблиги/номутаносиблиги ҳамда калькалаш усулининг самарадорлиги, функционалиги ва унга индивидуал ёндашув тамойиллари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий манзарани ифодаловчи лексик бирликларнинг вазифалари, асардаги тарихий-маданий манзарани қайта яратишдаги роли атрофлича ўрганилган;

аслият ва таржиманинг лингвистик ва стилистик хусусиятларидан келиб чиқиб, таҳлиллар асосида таржиманинг муайян усулидан фойдаланишнинг аҳамияти аниқланган;

таржимада лексик (лексик-семантик алмаштириш, тушириб қолдириш, қўшиш) ва грамматик трансформациялар (тўлиқ ва нотўлиқ; предлог ва кўмакчи, предлог ва қўшма феъл, предлог ва от) ифодаси мисоллар орқали далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда муаммонинг аниқ ёндашув усуллари ва назарий маълумотларнинг илмий ҳамда бадий манбалардан олинганлиги, шунингдек, тадқиқотнинг лингвомаданий, қиёсий, стилистик таҳлиллар асосида чиқарилган илмий мушоҳада ва таклифларнинг амалиётга кенг жорий этилганлиги, эришилган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, бадий таржимада миллий манзарани ва миллий колоритни қайта яратиш, ҳозирги ўзбек тарихий насри тамойиллари ва унинг хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда кейинги тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Стилистика ва Матн таҳлили”, “Лексикология”, “Адабиёт назарияси” каби фанлар бўйича махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда, изоҳли луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг рус ва инглиз тилларига таржималарини ўрганиш ҳамда аслиятдаги миллий манзарани таржима қилиш усулларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

миллий манзарани ифодаловчи фразеологик бирликлар, паремиялар, реалиялар, тарихий сўзлар, архаизмлар сингари воситаларини таржима қилишда транскрипция, калькалаш, перифраза, аналог, эквивалент, компенсация, экспликация, генерализация, гипо-гиперонимик каби таржима усулларининг функционаллик самарадорлиги билан боғлиқ илмий хулосаларидан Андижон давлат университетида 2017-2020 йилларда амалга оширилган ОТ-Ғ1-18 “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Андижон давлат университетининг 2022 йил 5 мартдаги №39-08-542-сон маълумотномаси). Натижада таржимашунослик, адабиётшунослик, стилистика, лексикология соҳалари янгича назарий қарашлар билан бойитилди;

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги фразеологик бирликлар ва паремияларни компенсация, экспликация, аналог ёки эквивалент танлаш усуллари қўлланиши орқали таржима қилинаётган бирликлар семантикасининг тўлиқ очиб берилиши орқали мажозий маъно ҳамда маданий-тарихий манзарани сақлаб қолганлигига оид назарий ва амалий материаллардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2016-2018 йилларда амалга оширилган 561624-ЕРР-1-2015-УК-ЕРРКА2-СВНЕ-SP-ERASMUS + СВНЕ ІМЕР: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” инновацион тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 17 февралдаги №264/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада мазкур тадқиқот натижаларидан таржимашунослик асосларини, таржима назарияси ва амалиётини модернизация қилиш, таълим жараёнларини мустаҳкамлаш ва байналмилаллаштиришга қаратилган дарсликларни яратишда янгича ёндашув асоси сифатида фойдаланишга эришилди;

историзм ва архаизмлар билан ифодаланган реалиялар орқали миллий-маданий манзаранинг ифодаланишида матнга хос бўлган интертекстуаллик, контекстуал вазият, шакл ва мазмун мутаносиблиги/номутаносиблиги ҳамда калькалаш усулининг самарадорлиги, функционаллиги ва унга индивидуал ёндашув тамойиллари билан боғлиқ хулоса ва натижалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясида “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 7 февралдаги № 1/29-сон маълумотномаси). Натижада бугунги кунгача мақсадли аудитория маҳаллий таржимашунослик ва унинг ривожланиш тенденциялари, шунингдек, бадий таржима ва ундаги миллий ўзликни ифодалаш ҳақида кенг маълумотларга эга бўлди; таҳлил тингловчиларнинг таржима санъати ва унинг турли халқлар ўртасида бўғин вазифасини ўташ қобилияти ҳақидаги билимларини

кенгайтириш, шунингдек, китобхонликка қизиқишни ошириш имкони яратилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 1 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та мақола, улардан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 161 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотимизнинг биринчи боби **“Миллий манзарани чет тилига таржима қилиш муаммолари”** деб номланади. Бугунги кун миллий таржимашунослигида ўзбек адабиётини бевосита таржима қилиш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Аслиятдан хорижий тилга таржима қилиш жараёнида ўзбек халқи маданияти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш замонавий дунёнинг глобаллашув ва интеграллашиш тенденцияси ҳисобга олинмаган бўлса энг кўп ўрганилаётган масалага айланмоқда. Кўплаб адабиётшунослар, таржимонлар мавжуд ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиб, бу ҳодисанинг туб моҳиятига етиб боришга, бу борадаги камчиликларни илмий жиҳатдан тузатишга ҳаракат қилмоқдалар. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”⁸ газетасининг 2007 йилги сонидан М. Саъдий томонидан тайёрланган “Таржима миллатни жаҳонга танитади” номли мақола қилинди. Унда адиб ва таржимонлар А.Отабоев, Муҳаммад Али, Сувон Мели, Омон Мухтор, Носир Қамбаров, Аббос Ирисқулов, Баҳодир Эрматов, Зухриддин Исомиддиновлар иштирок этиб, хорижий тиллардан таржима сифати ва маданияти, шунингдек, ўзбек тилига ва ўзбек тилидан чет тилларига қилинаётган таржималар ҳақида ўз танқидий фикрларини билдирдилар.

⁸ “Таржима миллатни жаҳонга танитади” Саъдий М., Отабоев А. давра суҳбатини тайерлаган.// “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, (№13) 2007. – 4 б.

Ушбу бобда ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини хорижий тилларга таржима қилиш жараёни ҳақида сўз боради. Хусусан, Ислоҳ Каримов жамғармаси томонидан атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини инглиз тилига таржима қилиш ва нашр этиш лойиҳаси амалга оширилди. Романнинг инглиз тилига таржимаси Британиянинг етакчи адабиётшуноси ва таржимони Керол Эрмакова томонидан, романнинг рус тилига таржимаси эса М.Сафаров томонидан амалга оширилди. Керол Эрмакова таржимаси Жули Вискенден томонидан таҳрирланган. Рассом Бобур Исмоилов ўша давр муҳитини кўрсатишга интилиб, романи рамзий суратлар билан безатган. 2019 йил бошида китоб Франциянинг машҳур Ноувеау Монде нашриёти томонидан Каримов Фонди кўмагида чоп этилган.

Керол Эрмакова Бухоро давлат университети хорижий тиллар факультети доценти Ф.М.Хажиева билан ҳамкорликда 2020 йил 22 июнь куни “Ўзбек адабиётини инглиз тилига таржима қилиш: кўрсатмалар, устунлик ва камчиликлар” мавзусида вебинар⁹ ташкил этди ва унда “Ўткан кунлар” романини инглиз тилига таржима қилишдаги қийинчиликлар ва ўзига хосликлар муҳокама қилинди.

Муҳокаманинг дастлабки босқичида Эрмакова таржиманинг нозик жиҳатлари ва аҳамияти ҳақида гапириб берди. У “таржима” сўзини этимологик нуқтаи назардан кўриб чиқиб, бу лотин тилидан “ўтказиш”, яъни “матнни бир тилдан бошқасига ўтказиш” деган маънони англатади. У таржимоннинг машаққатли меҳнатини тасвирлаш учун бир нечта ибораларни ишлатиб, таржимонни воситачи сифатида муаллифнинг ғоясини, унинг ишини чет тилидаги ўқувчига етказишга имкон берадиган “кўприк қурувчи” билан таққослади. У шунингдек, таржимонни сеҳрли ва мистик тарзда бир дунёдан иккинчисига хабар етказадиган “шаман” деб атайди. К.Эрмакова “Маданият элчиси” метафорасига ҳам тўхталиб ўтиб, бир халқ маданиятининг тўғри етказилишига масъул бўлган, ўрганилаётган миллат маданияти ва менталитетининг ўзига хос хусусиятларини тўла англайдиган шахс дея таъриф берди.

Бундан ташқари, Эрмакова таржима амалга ошириладиган мақсадли аудиторияни аниқлаш ва лексик бирликлар ҳамда тил ранг-баранглигини танлаш муҳимлигини таъкидлади. Масалан, “Ўткан кунлар” романини таржима қилишда романда тасвирланган тарихий даврни қайта тиклаш учун у ўз таркибида эскирган сўз ва ибораларни ҳам ўз ичига олган адабий инглиз тилидан фойдаланишга ҳаракат қилган.

“Ўткан кунлар” романининг навбатдаги таржимасини туркий тиллар билан мулоқот қилишда катта тажрибага эга америкалик таржимон Марк Рииз амалга оширди. Рииз “Вашингтон Чойхонаси”¹⁰га берган интервьюсида романи таржима қилиш тажрибаси ҳақида гапириб берди. Таржимоннинг ўзбек адабиёти ва ўзбек тили олдидаги асосий хизмати шундаки, у

⁹ https://www.youtube.com/watch?v=_YWUEVmf1UA

¹⁰ <https://www.youtube.com/watch?v=IBOgarb8U64>

биринчилардан бўлиб “Ўткан кунлар” романини бевосита ўзбек тилидан таржима қилган. Таржима қилишда у 1926 йилги романнинг эски ўзбек ёзувида ёзилган асл нусхасидан фойдаланган. Рииз ўз интервьюсида энг қийини ўзбек тилидаги сўз ва ибораларни тўғри таржима қилиш бўлганини, буни фақат она тилида сўзлашувчиларнинг нутқидан эшитиш мумкинлигини таъкидлайди. Айнан шундай ўзбек тилини таржима қилиш катта куч ва қўшимча изланишларни талаб қилди, чунки тегишли манбалар етарли эмас эди. Марк Рииз 2000 йилда ишлаганда 1960 йилларда нашр этилган совет давридаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан фойдаланганини таъкидлайди. Луғатнинг илмий аҳамиятига қарамай, Рииз бугунги кунга нисбатан назарий материал етарли эмаслигини таъкидлайди. Шу сабабдан кўп ҳолларда таржимон ўзбек тили ва маданияти мутахассисларига таянишга мажбур бўлган, романи таржима қилиш жараёнининг узок вақт – ўн беш йил давом этишига ҳам сабаб бўлган.

Марк Рииз роман таржимасининг энг муҳим хусусиятларидан бири тарихийликнинг сақланиб қолинганлигидир. Таржимон тарихий аниқлик ва ҳаққонийликка алоҳида эътибор берган. Китобхонга тарихий номлар, аҳоли пунктлари ва воқеалар номларининг ёрқин тасвирлари тақдим этилади. Рииз ўз интервьюсида романда ўзбек халқи ижтимоий-маънавий ҳаётидаги тарихий муҳим ўзгаришлардан бири – жадиличиликнинг шаклланишини ҳам кўриб чиқиш мумкинлигини айтади.

Бобнинг иккинчи параграфи миллий манзарани тизимлаштириш ва таснифлаш муаммолари, уни ифодалаш услублари ва таржима қилиш усулларига бағишланган¹¹.

“Миллий манзара” – бу фақат маълум бир миллат учун характерли бўлган, уларнинг кўпчилик вакиллари томонидан ўзлаштирилган ва ушбу миллий ҳамжамият тилида акс эттирилган ижтимоий-маданий маълумотлардир¹². “Миллий манзара” – бу муайян тилда ўз аксини топган халқ ёки миллатнинг миллий, ижтимоий, тарихий ва маданий хусусиятлари йиғиндиси. Айнан шунинг учун ҳам таржимада асл нусханинг миллийлигини сақлаб қолиши, авваламбор, миллий манзаранинг тўғри идрок этилиши ва етказилишига боғлиқ.

“Ўткан кунлар” романи таржималарида турғун ибораларнинг лингвомаданий таҳлили” номли иккинчи бобда асардаги фразеологик ва паремиологик бирликларни таржима қилиш тамойиллари таҳлил қилинган.

Фразеологик бирликларни таржима қилиш қийин вазифа ҳисобланади, чунки улар тилнинг образли ифода воситаларидан биридир. Фразеологик бирликлар турғун иборалар бўлгани учун таржима жараёнида уларнинг семантик мазмунини сақлаб қолиш ва тўғри етказиш жуда муҳим бўлиб, таржимондан алоҳида маҳорат талаб қилади. Ушбу бобда таржималарнинг

¹¹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1966. – 608 с.; Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. – Москва, 1978. – 174 с.; Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – Москва, 1980. – 340 с.; Виноградов В.С. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы). – Москва, 2001. – 224 с.; Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). Составители: Азимов Э.Г., Щукин А.Н.. – Москва, 2009. – 608 с.

¹² Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. М., 1978. - С. 87.

аслият билан ишонччилик, ҳаққонийлик мезонлари остида тўла мослиги, ўзбек тилидан рус тилига, рус тилидан инглиз тилига таржималарида тилнинг поэтик хусусиятлари, аслият, воситачи тил ва инглиз тилида фразеологик бирликларнинг ифодаси ўрганилди.

| | |
|--|--|
| Аслият ¹³ | Toshkanddan uylansa, suv quyg'andek tinar-qolar. [141] |
| Русча таржима ¹⁴ (М.Сафаров) | А если женится он в Ташкенте, успокоится, будет тише воды, ниже травы. [145] |
| Инглизча таржима (К.Эрмакова) ¹⁵ | But if he marries here in Tashkent, he will calm down, he will be quiet as a lamb, humbler than dust. [126] |
| Инглизча таржима (М.Рииз) ¹⁶ | If he marries someone from Tashkent, he will be as still as water, and perhaps even forget the tragedy he committed in Margilan. [226] |

Ўғлини қайта уйлаш фикридан воз кечмаган Ўзбекойим ҳар қандай ҳолатда ҳам келин топиб, Отабекни уйлантиришга қарор қилади. Агар гўзал бир қиз топилса, Отабекни Тошкентда ушлаб қолишга ишончи комил. Унинг фикрича, бу тез орада Отабекнинг марғилонлик аёлига нисбатан совуқлашишига ва ҳатто уни бутунлай унутишига олиб келади.

Ўзбекойим эрини ўғли унинг орзуларини рўёбга чиқариш, бурчини адо этиш имкониятини бермаганлигига ишонтиради. Ёлғиз ўғлига муносиб қиз топишга рухсат этилса, ҳам она ҳам қайнона сифатида ўзини бахтли ҳис этарди. Аввалига Юсуфбек ҳожи Отабекнинг иккинчи турмушига рози бўлмаган бўлса-да, аёлининг норозилиги, арзу-шикоятлари натижасида рози бўлади.

Таклифи маъқулланганидан рухланган Ўзбекойим эрини қарорининг тўғрилигига ишонтира бошлайди. Отабек Тошкентдан уйланса – тинчийди, ота-онасининг иродасига бўйсунди – “suv quyg'andek tinar-qolar”. Ушбу ибора қиёсий фразеологик бирлик бўлиб, “дек” қўшимчаси ёрдамида қиёсни ифодалайди. Маъновий жиҳатдан бу фраза сокин, мулойим, ювош маъноларини беради.

Ушбу ибора рус тилига жуда муваффақиятли эквивалент воситасида ўгирилган. Рус тилида иборанинг луғавий мазмунини тўла етказа оладиган эквивалент ибора мавжуд, аммо тузилиш жиҳатдан бу эквивалент қисман мос келмайди. Бундай вазиятда “тише воды, ниже травы” русча ибораси тўлиқ бўлмаган эквивалент саналса-да, мазмунан аслиятни тўла ифодалайди, гарчи “как” қиёсий боғловчиси тушириб қолдирилган бўлса ҳам қиёсий аспектни бера олади.

Инглиз тилига таржима қилишда фразеологик аналогга таянилган.

¹³ Qodiriy A. O'tkan kunlar. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopedias, 2018. – 415 b.

¹⁴ Кадыри А. Минувшие дни. Перевод М.Сафарова. – Ташкент: Шарқ, 2009. – 430 с.

¹⁵ Qadiri A. Days Gone By. Translated by Carol Ermakova. – Paris: Nouveau Monde, 2018. – 250 p. ISBN13: 9782369427872

¹⁶ Qodiriy A. Bygone Days. Translated by Mark Reese. – USA: Coppel TS, 2020. – 661 p. ISBN-13: 9780578467290

Бундан келиб чиқадики, инглиз лексикаси тўлиқ эквивалентни беролмайди, аммо маъно жиҳатдан ўхшаш иборага эга. “Be quiet as a lamb, humbler than dust” ибораси ўзбекча “suv quyg’andek tinar-qolar”нинг аналогидир. Таржима аслиятнинг семантик, фразеологик хусусиятларини тўла қоплайди, аналог аслият каби таққослаш асосида қурилган, аммо тузилиш жиҳатдан асл бирликдан бутунлай фарқ қилади.

М. Рииз таржимасида “suv quyg’andek tinar-qolar” фразеологик бирлиги “as still as water” тарзида ўгирилган. “Still” сифати “тинч , сокин, осойишта” маъносини беради. “As...as” боғловчиси таққослаш, қиёслаш мақсадида ишлатилган, натижада инглиз тилида “суддай сокин” қиёсий фразаси шаклланган. Бу таржима усулини тўлиқ эквивалент деб аташ мумкин, чунки ҳам аслият ҳам таржима маъновий ва структуравий жиҳатдан ўхшаш.

Бундан ташқари иккинчи бобда паремиялар таржимаси таҳлилга тортилган. Паремиялар, яъни мақол ва маталлар миллий манзарани етказиб берувчи асосий элементлардан. Бу бирликларда халқнинг азалий доно қарашлари ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг тузилиш ва услубий бўёқдорлиги тил ва маданиятнинг ўзига хослигини тўла ифодалайди. Бинобарин, бундай халқчил ҳикматларни таржима қилиш халқ тарихи, маданияти ва анъаналарини чуқур билишни тақозо этади.

| | |
|--------------------------------------|---|
| Аслият | <u>Zo’ri behuda miyon shikanad.</u> [329] (Behuda chiranish belni chiqaradi) |
| Русча таржима (М.Сафаров) | <u>Зури бехуда миён шиканад.</u> [331] (Без толку тужиться – спину надорвать) |
| Инглизча таржима (К.Эрмакова) | <u>If you strain in vain you break your back.</u> [277] |
| Инглизча таржима (М.Рииз) | <u>Useless effort will only break your back.</u> [464] |

Бу мисолда таъкидланган паремиологик бирлик Шарқ донишмандлигининг ёрқин намунаси бўлгани учун изчил маданий, маъновий ва таржима таҳлилини талаб қилади.

Романда Юсуфбек ҳожи нутқида “zo’ri behuda miyon shikanad” тожик мақоли қўлланилган. Бу мисолда тожик тилининг қўлланилиши, муаллиф фикрига кўра, Ўрта Осиёдаги тарихий-маданий ҳодисаларнинг энг муҳим жиҳатларини кўрсатади. Ўрта Осиё ҳудудида қадим замонлардан бери турли тилларда сўзлашувчи турли миллатлар яшаб келган. Бу тиллардан бири тожик тили бўлиб, у тожик маданиятининг бир қисми сифатида халқ ҳаётига ва миллий адабиётига чуқур кириб борган (ҳозирги Бухоро ва Самарқанд ҳудудларида тожик тили шева шаклида ўз изини қолдирган). Бундан ташқари, IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда биринчи Уйғониш даври тожик тилининг буюк мутафаккирлар ва олимлар ижодида кенг тарқалишига хизмат қилган.

Шу боисдан Юсуфбек хожи нутқидаги мақол юқори табақа вакили сифатида жамиятнинг зиёли кишилари орасида тожик тилининг кенг қўлланилганлигини далиллайди.

Контекст нуқтаи назаридан бу гап Отабек ва Кумушни ажратишга чексиз аммо беҳуда уринаётган Ўзбекойимга қаратилган эди. Ўзбекойим севишганларни турли йўллар билан узоқлаштиришга ҳаракат қиларди. Аввалига Отабекни иккинчи марта уйлади, сеҳр-жоду орқали марғилонлик аёлидан совутишга ҳаракат қилди. Шу сабабдан Юсуфбек хожи хотинига кулиб, “беҳуда чираниш белни чиқаради”, яъни ўғлинг билан муносабатларингни бузганинг қолади, демоқчи бўлди.

Юқоридаги мисолда бўлгани каби паремия таржима вариантлари таҳлили шуни кўрсатадики, инглиз тилига ўгиришда Эрмакова ва Рииз калькалаш усулидан яъни матнни сўзма-сўз таржима қилиш усулидан фойдаланганлар. Хусусан, “zo’ri behuda miyon shikanad” мазмунан айна “if you strain in vain you break your back”, “useless effort will only break your back” шаклида ўгирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Эрмакова таржимасида қофия, аллитерация каби услубий воситалар қўлланилган. “Strain in vain” жумласида қофия, “break back”да Рииз версиясида бўлганидек, инглизча “b” ҳарфи такрорланади. Бироқ Эрмакованинг варианты қофия қўлланилиши натижасида услубий ранг-баранг ва ифодали бўлиб чиққан ва буни ўз навбатида хорижлик ўқувчи мақол ёки ҳикматли сўз тарзида талқин қилади.

Муҳаммаднодир Сафаров рус тилига ўгиришда инглиз тилидан фарқли ўлароқ, мақолни таржима қилмай, асл ҳолида, транскрипция яъни ҳарфма-ҳарф таржима қилишни маъқул кўрган. Таржимоннинг бу танлови миллий колорит ва ҳаққонийликни сақлаб қолган. Шу билан бирга, таржимон ўқувчига калькалаш воситасида “без толку тужиться – спину надорвать” шаклидаги русча мақолни тақдим қилган. Роман муаллифининг ўзи ҳам худди шу услубдан фойдаланиб, тожик тилидаги мақолдан сўнг, муаллиф эслатмаси сифатида ўзбекча таржимаси “Behuda chiranish belni chiqaradi” билан тўлдирган.

Паремияларни таржима қилиш усуллари таҳлили якунида шуни таъкидлаш лозимки, калькалаш усули ҳамда қофия ва аллитерация каби стилистик воситалар таржимага ифодавийлик бериш, транслитерация эса муқобил усул сифатида самарали бўлиб чиқди.

“Ўткан кунлар” романида реалияларнинг лингвомаданий таҳлил ва таржимаси” номли учинчи бобда реалияларнинг таржима қилиш усуллари кўриб чиқилди.

Таҳлил натижасида маълум бўлдики, реалияларни таржима қилиш миллий манзарани акс эттиришда энг кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнлардан, чунки реалиялар маълум бир халқнинг ижтимоий-маданий хусусиятларини билдирувчи тушунчалар бўлиб, бу таржимонга ўз таржимасида миллий колорит ва тарихийликни сақлаб, қайта яратиш имконини беради. Ўзбек адиби А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи тарихий романнинг энг гўзал намуналаридан бири сифатида турли

реалияларни ўзида мужассам этган. Романнинг рус ва инглиз тилларига қилинган таржималари реалияларни таржима қилиш услубларидаги фарқларни кўрсатиб беради, масалан, таржимада тарихий, маданий, миллий адекватлик тамойиллари, шунингдек, реалияларни бошқа тилга ўгиришда юзага келадиган муаммоларни акс эттиради.

| | |
|--------------------------------------|--|
| Аслият | Tashqarida bir qo'sha sozandalar <u>dutor, tanbur, g`ijjak, rubob, nay</u> va amsoli <u>sozlar</u> bilan dunyoga jon suvi sepib shaharning mashhur hofizlari ashula aytadirlar. [52] -Tur Savra! Havlig`a olov yoqib <u>childirmangni</u> qizit! [57] |
| Русча таржима (М.Сафаров) | Во дворе не переставая звучит музыка, играют <u>на дутарах и танбурах</u> , на гиджаках и рубабрах, на наях, сазах и других инструментах... [56] -Вставай, Савра! Пойди во двор, разведи костер и разогрей <u>дойру</u> . [60] |
| Инглизча таржима (К.Эрмакова) | The courtyard rings with music, the continuous melodies of so many <u>folk instruments</u> , bright as the dawn chorus [54] -Get up, Savra! Go into the courtyard, light the fire and heat up the <u>duira-tambourine!</u> [57] |
| Инглизча таржима (М.Рииз) | The constant interplay of instruments resonated from the outer yard; <u>the dutars, tamburs, rababs, and nays</u> were accompanied by the most renowned singers of the city. [112] Stand up, Sevara! Make a fire in the yard and heat your <u>childirma</u> . [117] |

Муסיқа асбоблари кундалик реалияларнинг яна бир гуруҳи сифатида ушбу таҳлил объекти ҳисобланади. Юқоридаги мисолда Кумуш ва Отабекнинг тўйи чолғу асбобларининг шўх садолари остида ўтади. Қутидор хонадонида халқ хонандалари – хофизлар ўз қўшиқлари, маҳоратли ўйинлари билан меҳмонларни кутиб олади, меҳмон қилади. Дутор, танбур, ғижжак, рубоб, най ва созларнинг оҳангдор оҳанглари ҳам тадбирнинг аҳамияти ва дабдабалилигини яққол кўрсатиб турибди.

Бу чолғу асбоблари анъанавий ўзбек торли, камон ва пуфлама чолғуларига тегишли. Жумладан, “Дутор икки торли чолғу бўлиб, танаси ноксимон, бўйни узун. Танбур — уч ёки тўрт торли чолғу. Асбоб ноксимон кўринишга эга бўлиб, овоз борти ва узун бўйни бор. Ғижжак — уч ва тўрт торли чолғу. Ғижжакнинг шарсимон танаси ва думалоқ қисқа бўйни бор, тепада қалинроқ ва пастга қараб торайиб боради. Най — ўзбек пуфлама чолғуси, шакли ва овози бўйича найга ўхшаш. Соз — торли чолғу асбоби».

Юқоридаги сўзлар, реалия сифатида, аксарият ҳолларда рус тилига транскрипция орқали таржима қилинган ва “миллий торли ва пуфлама асбоблари” сифатида белгиланган. Америкалик таржимон Марк Рииз ҳам таржимада транскрипциядан фойдаланган, бироқ “дуторлар, тамбурлар, рубоблар ва найлар”нинг якуний вариантыда асл нусхадан фарқли ўлароқ,

баъзи реалиялар ёритилмаган: “ғижжак ва соз”. Шу билан бирга, эслатмаларда батафсил тушунтириш берилган. “Dutars, tanburs, rababs, and nays: The author describes a four-piece ensemble. A dutar is a two-stringed instrument with a pear-shaped resonator and sounding board; strings are plucked. A tanbur is a long-necked lute with a deep pear body with a number of frets and three to four strings often plucked with fingers or plectrum. The strings are made of metal, silk, in the novel’s setting, at times played upright with a bow, called a sato. The Rubab has five strings, and the main body is made of wood and skin. The Nay is a central Asian flute”¹⁷.

Юқоридаги вариантлардан фарқли ўлароқ, инглиз тилига таржима қилишда К.Эрмакова мусиқа асбобларини номма-ном санамасдан “халқ чолғулари” деб таржима қилинган умумлаштирувчи сўз билан алмаштирган. Ушбу усулни гипо-гиперонимик усул деб аташ мумкин. Бунда “халқ чолғу асбоблари” ибораси гипероним, яъни бошқа тушунчага нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, “датор, танбур, ғижжак, рубоб, най ва соз” реалиялари эса гипоним, яъни чекланганроқ маънога эга бўлган тушунча. Бу ҳолатда гиперонимик таржимадан фойдаланишни жуда муваффақиятли деб ҳисоблаш мумкин. “Реалиялар яъни хорижий сўзларни транскрипциялашга бўлган ҳаддан ортиқ иштиёқ, нафақат миллий колоритни сақлаб қолишга ёрдам беради, балки, аксинча, уни йўқ қилади, ҳикояни чигаллаштиришга, китобхонни кераксиз экзотизмлар ҳақида ҳар қадамда бош қотиришига олиб келади»¹⁸. Бундан келиб чиқадики, баъзи ҳолларда таржимада баъзи реалияларни эътиборсиз қолдириш мумкин ва ҳатто зарур, чунки бу ўқишни осонлаштиради ва гиперонимдан фойдаланиш коннотатив маънони сақлаб қолишга имкон беради.

